

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВА ГУЗАЛИЯ МАРСОВНА

СЕМИЗЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА
КАРДИОВАСКУЛЯР БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ –2021

УЎК: 612.171:616-056.52-084-053.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хасанова Гузалия Марсовна

Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр
бузилишларнинг клиник-диагностик хусусиятлари ва
профилактикаси..... 3

Хасанова Гузалия Марсовна

Клинико-диагностические особенности кардиоваскулярных
нарушений у детей с ожирением и пути их
профилактики..... 21

Khasanova Guzaliya Marsovna

Clinical and diagnostic features of cardiovascular
disorders in children with obesity and ways of their
prevention..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВА ГУЗАЛИЯ МАРСОВНА

СЕМИЗЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА
КАРДИОВАСКУЛЯР БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ –2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1172 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Агзамова Шоира Абдусаламовна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипов Алишер Мирхамидович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24 декабр» куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (344 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «6» декабр даги 122 рақамли реестр баённомаси).



Handwritten signatures in blue ink, including one that appears to be 'А.В. Алимов'.

А.В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда охириги ўн йил ичида ортиқча тана вазни, семизлик ва улар билан боғлиқ бўлган юқумли бўлмаган касалликлар сонининг аҳоли ўртасида ўсиши жиддий ижтимоий-иқтисодий ва тиббий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жаҳонда соҳа етакчи олимларининг фикрига кўра «...фақат 2015 йилнинг ўзида юқумли бўлмаган касалликлар 40 миллион одамнинг умрига завола бўлди, бу эса дунё бўйича барча ўлим ҳолатларининг 70 фоизини ташкил қилади...»¹. Бу вазиятда семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг эрта ташхислаш ва даволаш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда семизлик билан касалланган беморларда юрак-қон томир тизимининг (ЮҚТТ) шикастланишини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга қаратилган қатор илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ичак микробиотаси таркибининг организмда углевод ва липид алмашинувида фаол таъсир қилиш йўллари ўрганиш семизлик ва кардиоваскуляр патологияси патогенезида янги механизмларини очиб беришга ҳамда профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Шу муносабат билан, семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни эрта ташхислашга бағишланган клиник тадқиқотлар долзарб эканлиги эътироф этилмоқда. Бунда касалланиш даражасини ўрганиш, хавф омиллари ва клиник кечишини баҳолаш; тизимли яллиғланиш белгиларини аниқлаш, гемодинамик ва биокимёвий бузилишларини ўрганиш; даволаш ва профилактика самарадорлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болаларда касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва сурункали юқумли бўлмаган касалликларни (СЮБК) олдини олиш усуллари такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. СЮБК ларни олдини олишни ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида “... ҳар бир бемор учун хавф омиллар ва юқумли бўлмаган касалликлар бўйича соғлиқни сақлаш режимларни яратиш учун тақдим дастурий таъминот жорий этиш, ... хавфли омиллар профилактикаси ва юқумли бўлмаган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш ва кўрсатиш тизимини яхшилаш орқали Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликлар сабабли барвақт ўлим топиш ҳолатлари 31 фоизини олдини олиш ёки кечиктириш мумкин...”². таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги №ПҚ-4063-сон "Юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик

¹ БЖССВ. Семизлик ва ортиқча вазн. [Electronic resource]. WHO. 2021 URL:<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/obesity-and-overweight> (accessed: 09.06.2021)

^{1. 2} Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2020 йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги; 2020 йил 12-ноябрдаги № ПҚ-4891-сон "Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалик даврдаги семизлик муаммосини ўрганиш мақсадида кўп мамлакатларда клиник ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Адабиётларни таҳлили шуни кўрсатдики, юқумли бўлмаган ЮҚТ касалликларининг генези асосида бевосита ортиқча вазнлик ва семизлик ётади. (Еремина Н.М., Е. 2021, Ларина В.Н. 2020, Piché M. E. et al. 2018). Семизлик билан касалланган болаларда ЮҚТТ томонидан ўзгаришлар частотаси 7,27% дан 49,9% ташкил қилади (Строгий В.В. 2017). Айни вақтда, семизлик касаллигининг патогенезини ўрганишда висцерал ёғ тўқимаси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда, унинг ЮҚТ касалликлари, қандли диабетнинг 2 тури, инсулинорезистентлик (ИР) ва дислипидемия ривожланишининг юқори хавфи билан боғлиқлиги аниқланган (You-Cheol Hwang, et al., 2018, Forkert, et al., 2016). Катта ёшдаги висцерал (эпикардиал) семизлик билан касалланган беморларда юракнинг чап қоринчасининг массаси ва чап бўлмачаси ҳажмини катталашуви билан фарқланади, бу эса кейинчалик юрак етишмовчилиги ва турли юрак аритмиясини ривожланишига асос солиши мумкин (Учасова Е.Г., 2018, Nakajima, S Toyoda, 2020, Sousa J. A. et al., 2021). Бироқ, бу механизмлар болаларда етарлича ўрганилмаган. Эпикардиал ёғ тўқимасининг қон томир девори дағаллига таъсири ҳақида маълумотлар етарли эмас (Bos D, Shahzad R, 2017, Shaween Al-Talabany, Ify Mordi, 2018). Бундан ташқари, ёғ тўқимаси адипокин - гормонларнинг манбаи бўлиб, адипоцитлар томонидан секреция қилинади ва семизликда метаболик бузилишларнинг ривожланишида иштирок этади (Бекезин В.В., 2021).

Хорижий адабиётларда семиришда юрак-қон томир касалликлари патогенезида асосий бўғинлардан бири сифатида ёғ тўқималарининг гормони – адипонектинга катта эътибор берилмоқда. Юрак қон томир тизимида нисбатан ҳимоя хусусиятига эга адипоцитокин-адипонектин бўлиб, қон зардобиди унинг даражаси семизликни ривожланишига боғлиқ ҳолда камаяди (Widjaja N. A. et al., 2020; Ersilia Nigro, et al., 2017, de la Cruz, Q. A. I., Benítez, J. G. S. et al., 2018). Семизлик билан касалланган болаларда

метаболик ва кардиоваскуляр асоратларни ривожланишида адипонектиннинг прогностик аҳамиятини кўрсатувчи илмий тадқиқот натижалари топилмади.

Республикада семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларини морфометрик ва гемодинамик параметрлари етарлича ўрганилмаган. Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларида хавфли гуруҳларни шакллантириш учун белгиланган мезонлар мавжуд эмас. Тиббий ёрдамни ташкил этиш масалалари ва беморлар контингентини тиббий-ижтимоий хусусиятлари томонидан кам ўрганилганлиги кўйилган вазифаларни ўрганишда мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болаларда туғма ва ортирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник-диагностик хусусиятларини аниқлаш ва профилактика усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг частотаси, хавф омиллари ва клиник хусусиятларини баҳолаш;

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларда адипонектин кўрсаткичларини тизимли яллиғланишнинг маркерлари, углевод ва липид алмашинувининг бузилишлари билан боғлиқ ҳолда аниқлаш;

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг эхокардиографик, гемодинамик белгиларини ва ичак микробиоценозининг хусусиятларини аниқлаш;

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни профилактика чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри Ўсмирлар диспансери қошида 2,5 йил давомида кузатилган 13- 17 ёшдаги 137 та мактаб ўқувчилари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий, иммунологик тадқиқотлар учун эрталабки оч қоринга вена қон материалларни олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, лаборатор: умумий қон тахлили, биокимёвий тахлиллар (липид спектри, тонгдаги гликемия даражаси, инсулин, жуда сезгир С-реактив оқсил (CRP-hs)) иммунологик (адипонектин даражаси, цитокинлар ИЛ-6, ИЛ-10), инструментал (ЭКГ, ЭхоЭКГ доплерокардиография билан ва умумий уйку артериялари ультратовуш доплерографияси) тахлиллар ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

семизлик билан касалланган болаларда атерогенлик ва инсулинни юқори коэффицентлари ҳолатида жуда сезгир С-реактив оқсил (CRP-hs)нинг юқори кўрсаткичлари ва гипoadипонектинемия ўткир ости сурункали яллиғланиш синдромининг маркерлари сифатида кардиоваскуляр бузилишларнинг юқори хавф омили билан ассоциацияланиши исботланган;

ўнг қоринча олди деворининг эпикардиал ёғ қалинлигини ошиши ҳолати сабабли чап қоринча деворининг 33% га қалинлашиши, чап ва ўнг бўлмачалар диатметрининг катталаниши диастолик дисфункциянинг ривожланишига асос бўлиши исботланган;

семизлик билан касалланган болаларда эндотелийнинг вазомотор функциясининг бузилиши аниқланиб, бунда умумий уйқу артерияси интим медиа мажмуасининг қалинлашуви ҳамда қон томир деворларининг эластик хусусиятлари камайиши ва натижада қон айланиш тезлигининг пасайиши инсулин резистентлиги, атероген фактор ва гипoadипонектинемия орқали намоён бўлиши исботланган;

ортиқча ёғ қатламининг ўсиши, биокимёвий параметрларнинг атероген ва диабетоген йўналишда бўлиши ва эпикардиал ёғнинг юқори метаболик фаолияти ҳолати туфайли ичакда, асосан II даражали дисбиотик бузилишлар содир бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиб, ташхисда ва асоратларни олдини олишда самарали эканлиги аниқланган;

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг иккиламчи ва учламчи профилактикасида соғлом овқатланиш, ўрта ва юқори зичликдаги жисмоний фаоллик билан бир қаторда ичак микробиотасининг дисбиотик бузилишларини коррекция қилиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олган даволов-профилактик дастурини қўллаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган амалий текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилганхулосап ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник, биокимёвий ва гемодинамик хавф мезонларини адипонектин, цитокинлар ИЛ-6, ИЛ-10 ва жуда сезгир С-реактив оқсил (CRP-hs) кўрсаткичларини ўзаро боғлиқликда аниқланиши ўрганилаётган жараённинг янги патогенетик механизмларини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг донозологик ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилиши ва 12 ой муддатида соғлом турмуш тарзи элементларини қўлланилиши ва ичак микробиотасининг дисбиотик бузилишларини поликомпонент пробиотик препарат билан коррекция қилиниши натижасида 85% ҳолатларда терапевтик самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларини клиник хусусиятларини ўрганиш, эрта ташхислаш ва профилактика чоратadbирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг дастлабки клиник олди кўринишларини ташхислаш ва прогнозлаш бўйича амалга оширилган илмий натижалар асосида «Экзоген-конституциявий семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг ривожланиш ҳавфини прогноз қилиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021-йил 22-апрелдаги № 8н-р/355-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни эрта ташхислаш ва бундай жараённи ривожланиш ҳавфини прогноз қилиш имконини берган;

семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни даволаш-профилактика усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида «Экзоген-конституциявий семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни профилактика усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 апрелдаги №8н-р/354-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни эрта олдини олиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

болаларда семиришда юрак-қон томир касалликларини клиник-функционал кечиш хусусиятларига асосланган ҳолда ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 2-сон Оилавий поликлиникаси, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 53- ва 56-сон Оилавий поликлиникалари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021-йил 29-октябрдаги №08-07/16063-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши орқали семизлик билан касалланган кардиоваскуляр бузилишлари мавжуд болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, ташхислаш ва профилактиканинг янги усулини қўллаш орқали 85% ҳолатларда юқори терапевтик самарадорликка эришиш, асоратларни бартараф этиш ва ногиронлик сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, 7 таси хорижий журналларда, 2 та услубий тавсиянома ва 1 та ЭХМ учун дастур.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, текширувнинг мақсади ва вазифалари кўрсатилган, тадқиқотнинг объекти ва предметиға тавсиф берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган текширув натижалари асослаб берилган, унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиниши рўйхати, натижаларни чоп қилиниши ва диссертациянинг структураси ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **"Семириш билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг ривожланиш механизмлари ҳақидаги замонавий ғоялар (адабиётлар шарҳи)"** деб номланган биринчи бобида ўрганилган муаммо бўйича масаланинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги замонавий ғоялар таҳлил қилиниб адабиётлар шарҳи берилган. Кардиоваскуляр бузилишларни эрта ташхислаш, уларнинг намоён бўлиш частотаси ва тузилиши, прогнози ва олдини олиш бўйича устувор йўналишлар баён этилган. 2 та маҳаллий, 81 та рус тилидаги ва 106 та хорижий адабиётлар шарҳи берилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва текширув усуллари"** деб номланган иккинчи бобида клиник материални умумий тавсифи текширув усуллари берилган. Тошкент шаҳридаги ўсмирлар диспансери қошида 137 нафар 13 ёшдан - 17 ёшгача бўлган болалар, булардан 70 нафари қизлар ва 67 нафар ўғил болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ болалар 4 та гуруҳга бўлинди: асосий А гуруҳ – 40 та кардиоваскуляр бузилиш белгилари бўлган экзоген-конституциявий семизлик (ЭКС) I даражали болалар ва асосий Б гуруҳ -27 та кардиоваскуляр бузилиш белгилари бўлмаган ЭКС I даражали болалар; таққослаш гуруҳи - 40 та ортиқча вазни болалар ва назорат гуруҳи - 30 та вазни ёшига мос бўлган болалар. Тадқиқотга киритиш мезонлари: ЭКС I даражали синфи, тана вазни индекси (ТВИ) $TBI = 30-34,9 \text{ кг/м}^2 (\geq +2,0 \text{ SDS TBI})$ ҳамда ортиқча вазни бўлган, 6 ой давомида сурункали инфекция ўчоқлари ремиссия даврида бўлган. Тадқиқотдан чиқариш мезонлари: : ЭКС I даражали синфи артериал гипертензия билан хамроҳ келганда, семизликнинг иккиламчи шакли бўлган бемор болалар.

Диссертация ишида қуйидаги текширув усуллари ўтказилди: стандарт текширув усуллари: сўровномалар, анте - ва постнатал анамнез йиғиш, физикал текширув - қон босимини ўлчаш, ЖССТ мезонларига кўра антропометрия (2009), Таннер схемасига кўра балоғатга етиш босқичини аниқлаш (1962), соматик ҳолатни ўрганиш, Tanita биоимпеданс тарози ўлчови билан тананинг таркибий қисмини баҳолаш (BC-731, Токио, Япония), қон айланиш тизимининг функционал ўзгаришлари индексини ҳисоблаш (ФЎИ), шунингдек жисмоний зўриқишни текшириш учун Мартин-Кушелевский синамасы.

Биокимёвий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология ва Инсон икаси институти қошидаги илмий диагностика маркази лабораториясида ўтказилган: умумий қон тахлили, липид спектрини аниқлаш, тонгдаги гликемия даражаси, инсулин, адипонектин даражаси, яллиғланиш маркерлари (жуда сезгир С-реактив оқсил (CRP-hs), ИЛ-6) ва қон зардобда яллиғланишга қарши цитокин ИЛ-10.

Инструментал тадқиқот усуллари: электро - ва эхокардиография доплеркардиография билан, эпикардиал ёғ қалинлигини аниқлаш ва ўлчаш ва эндотелийнинг вазомотор функциясини баҳолаш учун умумий уйқу артерияларининг доплер ултратовуш текшируви. Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Excel Windows 2016 автоматлаштирилган дастурида ва статистик таҳлил STATISTICA 8 ва статистика Statistics 17.0. SPSS учун дастурий пакетларда амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляар бузилишларнинг клиник кечиши ва хавф омилларининг хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобда болаларнинг таҳлил гуруҳларида биоимпедансометрия натижалари асосида тананинг компонент таркиби ва антропометрик кўрсаткичлар қиёсий таҳлил тақдим этилган. Бунда тана оғирлиги ортиши билан ёғ тўқимасининг массаси (ЁТМ) ($p < 0,05$) ва висцерал ёғ (ВЁ) ($p < 0,05$) қатлами ортади.

ФЎИ ҳисоблаш семизлик билан касалланган болаларнинг 40,3% да ЮҚТ тизимининг адаптация даражаси қониқарли кўрсатди, қолган 59,7% болаларда адаптация даражаси: зўриқиш ($2,9 \pm 0,32$ балл), стресс ($4,5 \pm 0,31$ балл) ва қониқарсиз деб баҳоланди. ФЎИ кўрсаткичларига кўра семизлик билан касалланган болалар 2 та кичик гуруҳга бўлинди: асосий А гуруҳ – 40 та болалар ЮҚТ тизимининг адаптация даражаси бузилган ва асосий Б гуруҳ -27 та болалар адаптация даражаси қониқарли бўлган.


Дозали жисмоний юклама билан ўтказилган Мартине-Кушелевский синамасыда асосий А гуруҳ болаларида тинч ҳолатда ($p < 0,05$) ва жисмоний юкламадан сўнг ($p < 0,05$) назорат гуруҳи билан таққосланганда гемодинамик параметрларнинг ишончли юқори бўлганлиги аниқланган. Асосий А гуруҳ болаларида жисмоний юкламага ўрта даражада гипертензив жавоб турига мойиллик аниқланди: юрак уришининг деярли 2 марта ортиши, 65,2% га САБ ортиши, ДАБ нинг дастлабки 11% га ошиши, тикланиш вақтининг 7 дақиқадан ортиқ секинлашиши, бу кардиоваскуляар тизимининг жисмоний юкламага паст мослашувини ва унинг захира қобилятининг пасайишини

кўрсатади. Жисмоний юкламага кардиоваскуляр тизимининг аниқланган жавоб тури артериал гипертензия ривожланишида нокулай прогностик омил ҳисобланади.


Юрак электр фаоллигининг таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳлар (А ва Б) ва таққослаш гуруҳларида: синус тахикардияси шаклидаги юрак аритмияси 67,5%, 37% ва 14,8% болаларда, синус аритмияси (30%, 15%, 7,4%, мос равишда), бўлмача ритми шаклида синус тугуни автоматизмининг бузилиши (57,5%, 33,3%, 15%, мос равишда), Гис тутамининг ўнг оёқчасида тўлиқ бўлмаган блокадаси шаклида ўтказувчанликнинг бузилиши (37,5%, 18,5%, 17,5%). Шуни таъкидлаш керакки, суправентрикуляр экстрасистолия (мос равишда 15%, 7,4%) ва реполяризация жараёнларининг бузилиши фақат семизлик билан касалланган болалар гуруҳларида (мос равишда 85% ва 11,1%) рўйхатга олинган. Шундай қилиб, семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг учраши 59,7% ни ташкил этди, бу эса адабиёт маълумотларига мос келади.

Онада семизлик (OR=3,95), ота-оналардаги юрак қон томир (OR=3.63) касалликлари, туғилганда асфиксия ва марказий асаб тизимининг перинатал зарарланганлиги (OR=2,42), жисмоний фаолиятнинг пастлиги (OR=2,67) ва норационал овқатланиш (OR=2,54) хавф омиллари сифатида семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишлари ўртасида ишончли ассоциациялари аниқланди.

Диссертациянинг **“Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларида углевод, липид алмашинувини бузулиши ҳамда тизимли яллиғланиш жараёнининг кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда адипонектин даражасининг тақсимланиш хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобда қон плазмасида мавжуд тўқима ёғининг гормони - адипонектин, тизимли яллиғланиш кўрсаткичлари бўлган - CRPhs, ИЛ - 6 ва яллиғланишга қарши цитокин-ИЛ-10 даражалари ўрганилаётган гуруҳларда қиёсий таҳлил қилинган.



1- расм Таҳлил қилинган гуруҳ болаларида адипонектин даражасининг ўртача параметрлари



2- расм Таҳлил гуруҳ болаларида қон зардобидаги CRPhs ўртача параметрлари


Асосий “А” гуруҳининг семизлик билан касалланган болаларда адипонектин даражаси паст ($p < 0,01$), CRPhs эса- назорат гуруҳига нисбатан юқори ($p < 0,01$) бўлиб, ЮҚТТ нинг (1, 2-расмлар) субклиник шикастланишини кўрсатмоқда. Асосий “А” гуруҳдаги болаларда “Б”, қиёсий ва назорат гуруҳлардаги болаларга нисбатан ИЛ-6 юқори ва ИЛ-10 нинг даражалари нисбатан пастроқ аниқланган бўлиб, статистик фарқлар тасдиқланмади (1-жадвал).

1-Жадвал


Таҳлил қилинган гуруҳларда қон зардобдаги цитокинлар миқдори

| Цитокин (пг/мл) | Асосий “А” гуруҳ (n=40) | Асосий “Б” гуруҳ (n=27) | Қиёсий таққослама гуруҳ (n=40) | Назорат гуруҳи (n=30) |
|-----------------|-------------------------|-------------------------|--------------------------------|-----------------------|
| ИЛ-6 | 3,53±0,16 | 3,09±0,4 | 2,88±0,68 | 2,37±0,35 |
| ИЛ-10 | 2,08±0,18 | 2,6±0,14 | 2,9±0,13 | 5,2±0,41 |

Асосий ва қиёсий гуруҳ болаларида углевод ва липид алмашинувининг кўрсаткичлари оптимал даражадан ошмади, бироқ ўрганилган кўрсаткичларнинг ўртача даражаси назорат гуруҳи болаларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди (3-4 расмлар).



1- расм. Таҳлил қилинаётган болалар гуруҳларида углевод алмашинуви кўрсаткичлари



2- расм. Таҳлил қилинаётган болалар гуруҳларида қон зардобдаги липидограмма ҳолати


Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, асосий А гуруҳ болаларида Саго индекси паст бўлиб, НОМА индекс стандарт қийматларидан юқори бўлиб, инсулинрезистентликнинг дастлабки ривожланиш босқичини

кўрсатди. Шунингдек, умумий холестерин даражасининг 5,09 ммоль\л гача кўтарилиши ва ЮЗЛП 0,98 ммоль\л га пасайиши асосий А гуруҳидаги болаларда қайд этилган бўлиб, бу липидограмманинг атерогенлик хусусиятларига силжишини кўрсатди.

Корреляцион таҳлилда адипонектин концентрациаси ИЛ-10 ($r=0,72$, $p<0,05$), ЮЗЛП ($r=0,89$, $p<0,01$), Саго индекси ($r=0,81$, $p<0,01$) билан ижобий, ТВИ ($r=-0,80$, $p<0,01$), ЁТХ ($r=-0,75$, $p<0,01$), ВЁ ($r=-0,86$, $p<0,01$), CRPhs ($r=-0,83$, $p<0,01$), ИЛ-6 ($r=-0,59$, $p<0,01$), триглицерид ($r=-0,69$, $p<0,01$), ПЗЛП ($r=0,72$, $p<0,01$), КА ($r=0,72$, $p<0,01$), очлик гликемияси ($r=0,76$, $p<0,01$), инсулин ($r=0,68$, $p<0,01$) ва НОМА индекси ($r=0,77$, $p<0,01$) билан тескари боғлиқликлар аниқланиб, олинган маълумотлар адипонектиннинг ЮҚТТга нисбатан яллиғланишга қарши хусусиятларини ва химоя таъсирини исботлайди.

Диссертациянинг **“Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник ва диагностик мезонлари”** деб номланган бешинчи бобида ЭХОКГ маълумотларига кўра морфометрик, гемодинамик параметрларининг қиёсий таҳлил қилиш натижалари, қон томир эндотелийсининг функционал ҳолати ўнг ва чап УУА ни рангли дуплекс сканер ултратовуш параметрлари ва 137 та болаларидаги ичак микробиоцинозининг хусусиятлари баён этилган. Асосий А гуруҳ болаларида юрак ултратовуш параметрлари назорат гуруҳи билан солиштирганда юқори эканлиги топилди: асосий гуруҳда ЧҚ қалинлиги 33% га ўсиши ($0,95\pm 0,2$ см, назорат гуруҳига нисбатан $0,71\pm 0,05$ см), ЧБ ($3,08\pm 0,5$ см) ва ЎҚ ($2,85\pm 0,4$ см) диаметрининг катталаниши (мос равишда назорат гуруҳида $07\pm 0,9$ см ва $1,86\pm 0,3$ см). Асосий А ва таққослаш гуруҳларидаги болаларда юракнинг қисқариш ва насос функцияларини акс эттирувчи кўрсаткичлар ҳам назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлганлиги маълум бўлди.

Корреляцион таҳлилда ЭхоКГ кўрсаткичлари, яъни юрак камераларининг ҳажмини катталашувини акс этирган: чап бўлмача, қоринча ва ўнг қоринчаларнинг ҳажми кўрсаткичлари CRPhs концентрациаси билан ижобий корреляцион алоқани ($r=0,37$, $p<0,05$; $r=0,41$, $p<0,05$; $r=0,45$, $p<0,05$, мос равишда) ва қон плазмадаги адипонектин даражаси билан корреляцион алоқанинг тескари нисбатда бўлиши аниқланди ($r=-0,35$, $p<0,05$; $r=-0,38$, $p<0,05$, $r=-0,42$, $p<0,05$, мос равишда). Ички аъзолар атрофида висцерал ёғ қатламининг қалинлашиши, жумладан, юракнинг эпикардия атрофида кардиоваскуляр асоратларининг эрта ривожланиши билан ассоциаланади. Бизнинг тадқиқотимизда семизлик билан касалланган болаларда, ортиқча ва нормал вазнли болалардан фарқли равишда, ЎҚ олдинги девори бўйлаб ЭхоКГ вақтида қалинлиги 2 дан 5 мм гача бўлган эпикардиял ёғ (ЭпЁ) қатлами топилди: А гуруҳ болаларида ўртача $2,65 \pm 0,25$ мм, Б гуруҳида $-2,15 \pm 0,1$ мм (5- расм).




5-расм. 16 ёшдаги ўғил боланинг ЭхоКГ

Таъхис: I- даражали экзоген конституционал семизлик.


Кўриниш: Чап парастернал кириш, чап қоринчанинг узун ўқи, қалинлиги 5 мм бўлган эпикардиал ёғ кўзга ташланмоқда.

Асосий гуруҳ яъни семизлик билан касалланган болаларнинг ЭпЁ қалинлиги кўрсаткичлари бир қатор клиник-метаболик ҳосилалар билан тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқликлар аниқланди: ПЗЛП даражаси ($r=0,71$; $p<0,01$); ТГ ($r=0,59$; $p<0,01$); АК ($r=0,65$; $p<0,01$), очлик гликемияси ($r=0,79$; $p<0,01$), НОМА индекси ($r=0,79$; $p<0,01$), шунингдек, CRPhs даражаси билан ($r=0,69$; $p<0,01$) тўғри, адипонектин ($r=-0,51$; $p<0,001$) ва Саго индекси ($r=-0,54$; $p<0,001$) билан тесқари алоқалар қайд этилди.

Кузатувдаги болаларнинг ҳаммасида томирларни эндотелий функционал хусусиятларини ўрганиш учун ўнг ва чап умумий уйқу артерияларининг (УУА) экстракраниал соҳада ултратовуш доплерографияси ўтказилди.



6- расм. Гуруҳ болалардаги ўнг УУА ИМКҚ ўртача кўрсаткичлари параметрлари



7- расм. Текширилган болалар гуруҳидаги ўнг УУА қаттиқлиги (мм.рт.ст.)

Асосий гуруҳ болаларидаги УУА нинг рангли дуплексли сканерланишида УУА нинг ИМКҚ ишончли даражада катталашган. Семизлик билан касалланган ҳамда ортиқча вазни бўлган болаларда ўнг УУАнинг қаттиқлигини акс эттирувчи индекси ($p < 0,05$, $p < 0,05$, мос равишда) нормал вазли болалар билан таққосланганда сезиларли даражада юқори бўлган, бу эса артерия деворларининг ҳаракат амплитудасининг камайиши ва қон оқими тезлигининг пасайиши билан изоҳланиши мумкин. Юқоридаги маълумотлар семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг эндотелий вазомотор функциясини бузилганлигини кўрсатади (6-7-расм).

Ичак микробиотаси углевод ва липид алмашинувига таъсири туфайли нафақат семизликнинг шаклланишида, балки ЮҚТК патогенезида ҳам иштирок этади. Ичак микробиоценозининг бактериологик тадқиқоти шуни кўрсатдики, асосий ва қиёсий гуруҳлардаги текширилаётган болаларнинг 80% дан кўпида ичак микробиотаси таркиби умумий қабул қилинган меъёрларга тўғри келмаган (2-жадвал).

2- Жадвал

Текширилаётган гуруҳ болаларининг йўғон ичагидаги асосий микрофлорасининг сифат ва миқдорий таркиби

| Кўрсаткич | Асосий А гуруҳ n=40 | Асосий Б гуруҳ n=27 | Таққослама гуруҳ n=40 | Назорат гуруҳи n=30 | p |
|---------------------------|---------------------------|---------------------------|-----------------------------|---------------------------|-------|
| lgКОЕ/г нажас (M±m) | | | | | |
| Бифидобактерия | 7,1±0,4 | 7,5±0,2 | 7,95±0,2 | 9,95±0,1 | <0,05 |
| Лактобактерия | 7,5±0,7 | 8,0±0,1 | 7,45±0,1 | 9,51±0,16 | <0,05 |
| Ичак таёқчалари | 4,2±0,2 | 7,0±0,4 | 7,24±0,09 | 7,71±0,09 | <0,05 |
| Шартли патоген микрофлора | 5,4±0,9 | 4,8±0,6 | 0,9±1,1 | 0,6±1,2 | <0,05 |

Ортиқча вазли болаларда биринчи даражали ичак дисбиозига хос бузилишлар маҳаллий ичак микрофлораси (бифидобактериялар ва ўртача ичак таёқчалари) етишмовчилиги кўринишида устунлик қилган. Ичак дисбиозининг иккинчи даражаси асосий "А" гуруҳ болаларининг 74,1% ва асосий "Б" гуруҳ болаларининг 72,5% да рўйхатга олинган бўлиб, буларда бифидобактериялар таркиби камайган. Кучли ижобий корреляцион алоқа II даражадаги дисбактериоз ва ТВИ ($r=0,84$, $p < 0,001$), ПЗЛП ($r=0,73$, $p < 0,001$), Нома индекси ($r=0,83$, $p < 0,001$), CRPhs ($r=0,81$, $p < 0,001$) ва ЭпЕ қалинлиги ($r=0,79$, $p < 0,001$) билан ва кучли салбий корреляцион алоқа ЮЗЛП ($r=-0,75$, $p < 0,001$), Саго индекси ($r=-0,83$, $p < 0,001$) ва адипонектин ($r=-0,68$, $p < 0,01$) билан топилган. Олинган муносабатлар ичак микробиотасининг дислипидемия ва инсулин резистентлиги, ҳамда улар билан ассоциацияда келган метаболик

бузилишларнинг ривожланишида иштирок этишини тасдиқлайди, бу адабиётда келтирилган маълумотларга мос келади.

Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилиш хавфини скрининг диагностикаси ва юрак-қон томир касалликларини ривожланиш хавфини эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган (3-жадвал).

3- Жадвал

Экзоген конституциявий семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни хавфини ташхислаш

| № | Таҳлил қилинган кўрсаткичлар | Кардиоваскуляр бузилиш хавфи мавжуд эмас | | Кардиоваскуляр бузилиш хавфи | | |
|---|------------------------------|--|-----------|------------------------------|------------|-----------------|
| | | Жуда паст хавф | Паст хавф | Ўрта хавф | Юқори хавф | Жуда юқори хавф |
| 1 | Адипонектин, µg/ml | >15,4 | >12,2 | <10,0 | 4,0 | <4,0 |
| 2 | CRP hs, mg/L | <0,3 | 0,40-0,48 | 0,49-0,56 | 0,57-0,98 | >0,99 |
| 3 | ТГ, mmol/L | <0,76 | 0,77-0,99 | 1,0-1,30 | 1,31-1,46 | >1,47 |
| 4 | ПЗЛП, mmol/L | <2,69 | 2,69-2,84 | 2,85-3,0 | 3,10-3,34 | >3,35 |
| 5 | ЮЗЛП, mmol/L | >1,27 | >1,20 | >1,0 | <0,9 | |
| 6 | ЧҚОДҚ, мм | 8,4 | 8,6 | 9,5-10 | 10,6-11 | >11 |
| 7 | ҚАДҚ, мм | 8,4 | 8,6 | 9,0-9,5 | 9,6-10 | >10 |
| 8 | ЭпЁҚ, мм | 0 | 0-1 | 2-3,5 | 3,6-4,9 | >5 |
| 9 | УУА ИМКҚ, мм | >0,53 | | 0,54-0,56 | 0,57-0,64 | >0,65 |

Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг маркерлари бўлиб: қон зардобда адипонектин даражаси, юқори сезгир С реактив оқсил, юқори зичликдаги (ЮЗЛП) ва паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП), триглицеридлар, шунингдек, чап қоринчанинг орқа деворини қалинлиги (ЧҚОДҚ), қоринчалараро деворининг қалинлиги (ҚАДҚ), эпикардиал ёғнинг қалинлиги (ЭпЁҚ) ва умумий уйқу артериясининг интима-медиа комплекси қалинлиги (УУА ИМКҚ) топилди.

Диссертациянинг “Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг шаклланишини профилактика қилишга замонавий ёндашув” номли олтинчи бобида олинган тадқиқот илмий натижалари асосида семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг иккиламчи профилактикасида соғлом овқатланиш, ўрта ва юқори зичликдаги жисмоний фаоллик билан бир қаторда ичак микробиотасининг дисбиотик бузилишларини коррекция қилиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олган даволов-профилактик дастур (ДПД) тақдим этилган. Бунда ичак микробиоцинозининг дисбиотик бузилишларига қарши кўп компонентли пробиотик дори препаратларини қўллашни, яъни 2 турдаги сут кислотали бактерия *Lactobacillus acidophilus*

(LA-5) – 13,8 мг ва Bifidobacterium animalis subsp. lactis (BB-12) - 4.2 мг. 1 та капсуладан кунига 2 марта 14 кун мобайнида йилига 4 мартаба истеъмол қилиш тавсия этилган. Дастур ЮҚТТнинг мослашуви бузилган 40 та семизлик билан касалланган болаларда қўлланилган. Мақсадга кўра болалар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ ишлаб чиқилган даволаш-профилактика дастурида пробиотик препаратни қабул қилган 20 нафар болалар; таққослаш гуруҳига даволаш дастури мажмуасига эса пробиотик дори олмаган 20 нафар бола киритилган.

40 та болани 12 ойдан кейин текшириш натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, антропометрик индекс кўрсаткичлари барқарорлашди ва уларнинг камайиш тенденцияси сақланиб қолди, шунингдек, ҳар бир гуруҳда қорин семизлиги бўлган болалар сони камайди. Бироқ, даволашда пробиотик препаратни қўллаган болалар гуруҳларида янада сезиларли вазн йўқотилди (4-жадвал).

4- Жадвал

12 ойдан сўнг тадқиқот гуруҳларида антропометрик ва биокимёвий параметрларнинг, шунингдек, ичак микрофлорасининг таркиби динамикаси

| Кўрсаткичлар | Дастлабки | Даволашдан кейин | |
|---------------------------------|------------|------------------|------------------|
| | | Асосий гуруҳ | Таққослама гуруҳ |
| ТВИ | 31,74±0,73 | 27,54±0,73* | 28,44±0,52* |
| БА /БА | 0,92±1,92 | 0,89±±0,12* | 0,90±1,85* |
| ЁТО | 37,33±0,15 | 33,29±0,18* | 35,47±0,86* |
| ВЁ | 17,47±0,16 | 11,01±0,17* | 13,54±0,65* |
| CRP-hs, мг/мл | 4,6±0,06 | 2,1±0,03* | 3,4±0,08 |
| Адипонектин, нг/мл | 5,0±0,13 | 12,23±0,08* | 7,3±0,08* |
| Холестерин, ммоль/л | 5,09±1,07 | 4,23±0,93* | 4,65±1,1 |
| Триглицеридлар, ммоль/л | 1,36±0,17 | 1,06±0,29* | 1,21±0,95 |
| Инсулин, мМЕ/мл | 17,5±1,9 | 7,08±0,80* | 11,68±0,42* |
| Очлик гликемияси ммоль/л | 4,58±0,12 | 3,81 ±0,54* | 4,29 ±0,12 |
| НОМА индекс, усл.ед. | 3,50±0,43 | 2,45±0,11* | 2,56±0,20* |
| Саго индекси, усл.ед. | 0,26±0,03 | 0,72±0,12* | 0,36±0,02* |
| Бифидобактерия (lg КОЕ/г нажас) | 7,1±0,4 | 10,0±0,1* | 8,1±0,07 |
| Лактобактерия (lg КОЕ/г нажас) | 7,5±0,7 | 9,5±0,5* | 8,0±0,04 |
| Ичак таёқчаси | 4,2±0,2 | 7,7±0,7 | 6,5±0,07 |
| ШПМ | 5,4±0,9 | 0,9±1,3* | 5,3±0,9 |

Эслатма: * – p < 0,05, даволаш олдинги кўрсаткичлари даражаси билан солиштирганда

12 ой ДПД воситалари ўтказилгандан сўнг пробиотик препаратни қабул қилган болаларнинг асосий гуруҳида таққослаш гуруҳига нисбатан

адипонектин миқдорини кўтарилиши ($p < 0,05$) ва CRP-hs фаоллигининг пасайиши ($p < 0,05$) кузатилди.

Пробиотик препаратнинг липид ва углевод алмашинувига таъсири аниқланди: умумий холестерин ва триглицеридлар, инсулин, гликемия даражаси ва асосий гуруҳ болаларида инсулин резистентлик индекслари кўрсаткичлари ишончли даражада камайди. Ичак микробиотасининг миқдорий ва сифат таркиби яхшиланди, шунингдек ичак дисбиотик бузилишлар даражаси ва даволашда пробиотик дори қабул қилинганда асосий гуруҳ болаларда бактериал ифлосланиш белгилари йўқолди. Ушбу ДПД 85% самарадорлигини кўрсатди: кардиоваскуляр бузилишлари бўлган асосий гуруҳ болаларининг 50% ида, ДПД нинг 6 ойдан кейин ЮҚТТ зарарланиш хавфи даражаси камайиб, 12 ойдан кейин паст хавфни ташкил қилди. 35% болаларда эса 6 ойдан сўнг, ўртача хавф паст даражага тушди.

ХУЛОСА

1. Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг (59,7%) учраш частотаси аниқланиб, бу ҳолат оналарда семизлик ($OR=3,95$), ота-оналарда ЮҚТТ касалликлари мавжудлиги ($OR=3,63$), туғилганда асфиксия ва марказий асаб тизимининг зарарланганлиги ($OR=2,42$), кам жисмоний фаолият ($OR=2,67$) ва носоғлом озиқланиш ($OR=2,54$) билан ассоциатив боғлиқлиги исботланган.

2. Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг асосий клиник кўринишларидан ФЎИ кўрсаткичларига кўра адаптив потенциалнинг зўриқиши ($2,9 \pm 0,32$ балл), стресс ($4,5 \pm 0,31$ балл) ва кардиоваскуляр тизимининг қоникарсиз мослашуви ($3,9 \pm 0,12$ балл), электрокардиографик кўрсаткичларига кўра эса жисмоний зўриқишга ўртача гипертоник типга мойил жавоб реакцияси ($p < 0,05$), тахикардия ($p < 0,05$) ва реполяризация жараёнларнинг бузилиши ($p < 0,01$) ишончли даражада кўп учради.

3. Семизлик билан касалланган болалар гуруҳида ИЛ-6 юқори ва ИЛ-10 нинг паст даражалари фонида адипонектиннинг анча паст қийматлари ($p < 0,01$) ва энг юқори CRP-hs ($p < 0,01$) аниқланди. Бу ўзгаришлар тана массаси индекси, ёғ тўқималарининг массаси ва висцерал ёғлар билан коррелятив чамбарчас боғлиқлиги топилган, қайсики атерогенлик коэффициенти ва инсулин миқдорининг сезиларли ўсиши билан кечди, бу эса инсулинрезистентликнинг бошланғич босқичини кўрсатади.

4. Семизлик билан касалланган болаларнинг эхометрик кўрсаткичлари баҳоланганда ўнг қоринчанинг олди деворидаги эпикардиал ёғ қатламининг ошиши туфайли диастолик дисфункция, бу эса CRP-hs концентрацияси ($r=0,45$, $p < 0,05$), ТВИ ($r=0,65$, $p < 0,05$) ВЁ билан ($r=0,78$, $p < 0,05$) ва қон зардобадаги адипонектин миқдори билан тескари коррелятив ($r=0,42$, $p < 0,05$) боғлиқликлар кузатилди. Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг ишончли гемодинамик маркерлари УУА ички систолик диаметри ва УУА нинг интима медиа

мажмуаси қалинлигининг юқори қийматлари бўлиб, артерия деворларининг қаттиқлиги ва ундаги қон оқимининг секинлашиши билан боғлиқ эди.

5. Дисбактериоз II даражаси ва ТВИ, ПЗЛП, Нома индекси ва CRPhs ($r=0,73$, $r=0,84$, $r=0,83$, $r=0,81$, мос равишда) тўғри, ЮЗЛП, Саго индекси ва адипонектин билан ($r=-0,75$, $r=-0,83$; $r=-0,69$) тескари коррелятив ишончли алоқа ўрнатилди. Бу эса ичак микробиотасининг дислипидемия, инсулинрезистентлик ва метаболик бузилишлар билан узвий боғлиқлик борлигини кўрсатади.

6. Диагностик самарадорлик кўрсаткичларига кўра семизлик билан касалланган болалардаги кардиоваскуляр бузилишларнинг эрта ташхислаш мезонлари: адипонектиннинг қон зардобидаги даражаси $<10,0 \mu\text{g/ml}$ - 83,6, жуда сезгир С-реактив оқсил (CRP-hs) $>1,19 \text{ mg/l}$ - 85,8, тонгдаги очлик гликемияси $>4,82 \text{ ммол/л}$ - 86,7, $>4,82 \text{ ммоль/л}$ - 86,7, УУА ИМКҚ $>0,53 \text{ мм}$ - 78,9, НОМА индекси $>2,5$ зич.бир. - 77,9, ЭЁҚ $>2,0 \text{ мм}$ - 77,9 аниқланди.

7. Семизлик билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни даволаш ва профилактикаси учун соғлом овқатланиш, боланинг жисмоний тайёргарлигига қараб юқори интенсивликдаги жисмоний фаолиятини фаоллаштириш, ичак микробиотасини коррекция қилиш учун поликомпонентли пробиотик препарат (таркибида 2 хил бактериялар *Lactobacillus acidophilus* (LA-5) - 13.8 мг и *Bifidobacterium animalis subsp. lactis* (BB-12) - 4.2 мг. бўлган) 1 капсуладан 2 маҳал кунига 14 кун давомида, йилда 4 марта курс давомида тавсия қилиш 85% ҳолатларда самадорлигини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАСАНОВА ГУЗАЛИЯ МАРСОВНА

**КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
КАРДИОВАСКУЛЯРНЫХ НАРУШЕНИЙ У ДЕТЕЙ С ОЖИРЕНИЕМ
И ПУТИ ИХ ПРОФИЛАКТИКИ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ –2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1172

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Агзамова Шонра Абдусаламовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Шарипов Алишер Мирхамидович
доктор медицинских наук, профессор

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Центр развития профессиональной
квалификации медицинских работников

Защита диссертации состоится 24 дек. 2021 г. в 13⁰⁰ час на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223.Тел/факс (+99871)262-33-14, e-mail:mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического института (зарегистрирована за № 544) (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223.Тел/факс (+99871)262-33-14).

Автореферат диссертации разослан 6 декабря 2021 года

(Реестр протокола рассылки № 122 от 6 декабря 2021года)



А.В. Алимов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

К. Н. Хаитов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Д.И. Ахмедова
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире за последнее десятилетие среди населения наблюдается значительный рост избыточной массы тела, ожирения и связанные с ними неинфекционных заболеваний, что создают социально-экономическую и медицинскую проблему. По оценкам ведущих ученых мира, «... только в 2015 году неинфекционные заболевания унесли жизни 40 миллионов человек, что составляет 70 процентов всех смертей в мире ...»¹. Эпидемиологические и биологические риски кардиоваскулярной патологии начинают формироваться в детском возрасте, в этой связи неуклонный рост числа детей с ожирением является предупреждением возможного увеличения сердечно-сосудистых осложнений в недалеком будущем. Это обстоятельство диктует необходимость диагностики и коррекции самых ранних проявлений кардиоваскулярных нарушений при ожирении у детей.

В мире проводятся многочисленные клинические исследования, посвященные изучению влияния ожирения на сердечно-сосудистую систему (ССС), усовершенствованию методов ранней диагностики поражения кардиоваскулярной системы, лечения и профилактики. В этом плане изучение влияния состава микробиоты кишечника на углеводный и липидный обмен организма будет способствовать раскрытию новых механизмов патогенеза ожирения и кардиоваскулярной патологии у детей и разработке профилактических мероприятий. В связи с этим, особую актуальность приобретают клинические исследования, посвященные ранней диагностике кардиоваскулярных нарушений при ожирении у детей: изучению частоты встречаемости, факторов риска и оценки клинического течения; определению признаков системного воспаления; изучению эхокардиографических, гемодинамических и биохимических маркеров кардиоваскулярных нарушений; обеспечению эффективности лечения и комплекса мер по профилактике заболевания.

На сегодняшний день в нашей Республике осуществляются реформы по развитию медицинской области, соответствию медицинских услуг мировым стандартам, совершенствованию методов ранней диагностики, лечения и профилактики хронических неинфекционных заболеваний у детей. В целях совершенствования механизмов организации и управления профилактикой НИЗ в Постановлении Президента РУз указано «...внедрить программное обеспечение, предусматривающее создание профилей здоровья по факторам риска и неинфекционным заболеваниям для каждого пациента... что 31 процент преждевременной смертности от неинфекционных заболеваний в Узбекистане можно предотвратить или отсрочить путем профилактики факторов риска и улучшения системы организации и предоставления медицинской помощи больным, страдающим неинфекционными заболеваниями»².

¹ ВОЗ. Ожирение и избыточный вес [Electronic resource]. WHO. 2021 URL:<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/obesity-and-overweight> (accessed: 09.06.2021)

^{1,2} Постановление Президента за №-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан: №ПП-4063 «О мерах по профилактике инфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» от 18 декабря 2018 года; №ПП-4887 от 10.11.2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения»; №УП-6110 от 12.11.2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ»; №ПП-4891 от 12.11.2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа соответствует приоритетным направлениям научно-технического развития Республики Узбекистан в области медицины: VI. «Медицина и фармакология».

